

NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN
SOUTH KAZAKHSTAN UNIVERSITY



April, 2022

Current Issues of Social Sciences and Humanities

International Scientific and
Practical Conference

The Department of Ethics and Aesthetics

The Faculty of Social
Sciences



NUU.UZ



БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МАСАЛАЛАРИ

Феруза Хаятовна Бобожонова

БухДУ Бухоро тарихи кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди

АННОТАЦИЯ

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида мактаб ва мадрасалар фаолияти манбалар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, мактаб ва мадрасаларнинг умумий ҳолати ва фаолияти, талабаларнинг моддий аҳволи ва таъминоти масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Таянч атамалар: мактаб, мадраса, хужра, талаба, кутубхона, вақф, тарих, дарс, дарсликлар, ҳукмдор, архитектура

ABSTRACT

The article describes the activities of schools and madrasas in the Emirate of Bukhara in the late 19th - early 20th centuries on the basis of sources. The general condition and activities of schools and madrasas, the financial situation and welfare of students were also discussed.

Keywords: school, madrassah, hujra-cells, student, library, waqf, history, lesson, textbooks, ruler, architecture.

Бошланғич анъанавий мактаб мусулмон болалари учун умумий маълумот берадиган хат-савод чиқариш масканлари бўлиб, араб имлосида савод олиш, ёзиш ва ўқиш кўникмаларини шакллантириш, [1] ҳисоблаш қоида ва кўникмаларини ҳосил қилиш, табиат ва жамият, атроф-муҳит, ислом дини ҳақида билим ва тушунчалар бериш, ахлоқ-одоб меъёрларига амал қилишни ўргатишдан иборат эди.

Бухородаги биринчи анъанавий мактаб 714 йили Қутайба ибн Муслим томонидан Бухоро аркида, зардуштийлар эҳроми ўрнида бунёд этилган. “Мактаб” сўзи арабча “катаба” – ёзмақ феълидан ясалган бўлиб, ёзишга ўргатиладиган жой дейилса, бошқаларида “мактаб” термини мирзалар мактаби маъносини билдирган. 1896 йилда Санк-Петербургда нашр қилинган энциклопедияда: “Мактаб-мусулмонларнинг масжидлар қошидаги хат-савод чиқариш ва диний удумларни ўзлаштириш даргоҳи” [2] дея таъриф берилган. Бундай анъанавий таълим тизими Ўрта Осиё ерлари Араб халифалиги томонидан босиб олингандан



кейин (VIII асрда) зардуштийларнинг “дабирстон”лари ўрнида шакллангани маълум.

Ўрта Осиёда анъанавий таълим икки босқич: куйи – бошланғич мактаб ва юқори – мадраса босқичидан иборат эди. Айрим анъанавий мактабларда дарс бериш билан шуғулланувчи домланинг иш ҳақи вақфномада белгиланган маблағдан тўлаб борилиши кўпгина вақфномаларда уқтирилган. Бундай маълумотларни Рауфбой ўғли Маъруфбой, Мирмансурнинг қизи Нозикой, Ўзбек ўғли Мирзо Ғулом вақфномаларидан билиб олишимиз мумкин. [9,27]

Мактаблар кўп ҳолларда айрим бадавлат шахсларнинг хайр-эҳсонлари эвазига, баъзан эса масжидларга тушган даромад эвазига қурилган. Масалан, Мир Мансурнинг қизи Нозикой етти хонали уй ва болохонадан иборат бўлган ҳовлисини мактаб ўқувчилари фойдасига диний таълим олишларига ёрдам сифатида вақф қилдирган.

Мактабхонада ўқишга қабул қилиш ёши Бухорода 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврни ташкил этган. Садриддин Айний ўзи яшаган уч юз хонадонлик қишлоғида тўрт яшардан ўн икки яшаргача бўлган болалар мактабнинг шогирдлари ҳисобланганлиги ҳақида маълумот беради. Анъанавий бошланғич мактабларда ўқувчи беш йилдан кам ўқимаган. Ёз ойлари ва рамазон ойида ўқувчилар таътилга чиқишган. Мактабхонада таҳсил оладиганлар ўқишининг давомийлиги бир қатор омилларга, яъни домланинг маҳорати, ўқувчининг зеҳни ҳамда оиладаги муҳитга боғлиқ бўлган.

Анъанавий таълим тизимининг юқори босқичи-мадрасалар ҳақидаги илк маълумот Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида берилиб, Бухоро шаҳридаги Форжак номидаги мадрасанинг 937 йилги ёнғин пайтида ёниб кетгани айтиб ўтилади. [3,84] “Мадраса” сўзи луғавий жиҳатдан “дарс берадиган жой”, “билимгоҳ”, “ўқиш жойи” деган маъноларни англатган. Ўрта асрларда Бухоро мадрасалари илм маскани сифатида нафақат Мовароуннаҳрда, балки Марказий Осиё, мусулмон шарқида ҳам машҳур эди. Мадрасани муваффақиятли битирганлардан мамлакат бошқаруви, ҳуқуқ-тартибот ва таълим муассасалари учун кадрлар, уламолар етишиб чиққан.

Бухоро амирлигида энг машҳур ва нуфузли олий ўқув юрти бу Мир Араб мадрасаси бўлган. Мадрасанинг номи ҳам уни қурдирган шайх номи билан боғлиқ бўлиб, унинг тўлиқ исми Мир Араб Абдуллоҳ ал-Яманий бўлган. 1530 йилда бунёд этилган бу мадраса шаҳарнинг марказий қисмида қурилган, унинг баланд пештоқлари ва гумбазлари бўлиб, шимолий гумбази ярим кошин билан қопланган,



жанубий гумбази эса безатилмаган. Мадрасага ҳашаматли баланд пештоқдан кирилган. Мадрасанинг ғарбий томони Масжиди Калон номи билан аталган масжидга туташган. Мадрасанинг режаси ва ундаги бинолар худди Улуғбек мадрасасидагидек жойлаштирилган. Мадрасада шайх Абдуллоҳ ва унинг қариндошлари дафн қилинган, шунингдек гўрхона ҳам мавжуд бўлиб, дабдабали қилиб безатилган. [7,82] Мадраса билан масжид орасида шаҳар аҳолиси юрадиган йўл бўлган. Мадраса ҳовлисининг чор atroфи икки қаватли ҳужралар билан ўралган. Мир Араб мадрасасининг вақфномасида қайд этилишича, бу ердан жуда ҳам кўп олим ва уламолар етишиб чиққан.

Бу даврда Бухоро мадрасаларининг сони ҳақида турли манбаларда ва асарларда турлича маълумот қайд этилади. Н.Хаников мадрасалар сонини 180-200 та, талабалар сонини эса 15-16 минг нафар деб кўрсатган. [11,217] XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги мадрасалар сонини ўша даврда яшаган Абдурауф Фитрат ва Садриддин Айний 200 та, Садр Зиё 204 та, Муҳаммад Али Балжувоний эса 400 та деб кўрсатади. [4,364] Хуллас, турли маълумотлар умулаштирилганда Бухоро амирлигида 200 дан 400 тагача мадраса мавжуд бўлган. Бухоро амирлигига кўшни, илгари мамлакат таркибида бўлган Самарқанд вилоятида 217 та мадраса бўлганлиги назарда тутилса, амирликда 400 тага яқин мадраса мавжудлиги ҳақиқатга анча яқинлиги маълум бўлади. Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисоботи билан боғлиқ архив ҳужжатлардан бирида 1914 йилда Бухоро амирлигида 350 та мадраса фаолият кўрсатаётгани қайд этилган. [8,30]

Шунингдек, О.А.Сухареванинг фикрича, биргина Бухоро шахрининг ўзида 133 мадраса бўлган. Яна бир тадқиқотчи Л.И.Ремпель XX аср бошларида Оренбургда чиқадиган “Шўро” журналининг маълумотларига асосланган ҳолда Бухорода олий даражадаги мадрасалар - 34 та, ўрталари – 35 та, қуйилари эса - 100 тадан ортиқ бўлганлигини кўрсатиб ўтади. Демак, фақат Бухоро шахрининг ўзида 170 тадан ортиқ мадраса бўлган.

Бухорода янги усул мактабларининг ташкил этилиши 1900-1903 йилларга тўғри келади. Айнан шу йилларда татар ўқитувчилари томонидан илк янги усул мактаблари очилади. [5,259] 1900 йилида Бухорода Пирмаст туманидаги Пўстиндўзон қишлоғидан бўлган Мулла Жўрабой томонидан амир Абдулаҳадхон рухсати билан янги усул мактаблари очилади, аммо орадан уч ой ўтгач, унинг фаолияти тўхтатилиб, муаллимлари қувғинга учрайди. Бухорода илк маҳаллий янги усул мактаблари 1903-1904 йиллардан очила бошланган. 1903 йилга келиб Бухорода

6 та янги усул мактаби ташкил этилган эди.[6,52] 1908 йилнинг октябрь ойида Бухоронинг Дарвозаи Саллохона гузарида Мирзо Абдулвоҳиднинг уйида ўқиш маҳаллий тилда олиб бориладиган янги усул мактаби расман очилади ва унга Мирзо Абдулвоҳид муаллим этиб тайинланади. [10,93] 1911-1912 йилларда Бухоро амирлиги ҳудудида янги усул мактабларининг сони 57 тага етади. 1912 йилнинг охирида Усмон Хўжанинг қариндоши Латиф Хўжа томонидан Говкушон маҳалласида янги мактаб очилади.

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигида таълим тизими тадқиқ этилаётган даврда ҳам ўтган асрлар анъанаси сингари бошланғич (мактаблар) ва юқори (мадраса) босқичларидан иборат эди. Бошланғич таълим муассасаларида асосан араб алифбосида савод чиқариш, ислом асосларини эгаллаш, ахлоқий тарбияга урғу берилган. Уларнинг моддий асосини вақф мулклари, айрим шахслардан тушган хайри-эҳсонлар ташкил этиб, асосан хусусий ва жамоа маблағлари ҳисобидан таъминланган. Бухоро мадрасалари ўзининг ислом дунёсидаги мавқеи ва нуфузини бу даврда ҳам йўқотмаган эди. Жамият тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, мадрасалар ўша вақтда давлатнинг ҳукмрон сиёсати ва ислом таълимотига хизмат қилган. Мадрасаларнинг молиявий-хўжалик таъминоти вақф мулкчилигига асосланган. Бухоро амирлиги мадрасаларининг қурилиши, моддий-хўжалик таъминоти масалалари давр талабларига жавоб бера олмаса-да, уларнинг фаолияти маънавий ҳаётда алоҳида ўрин эгаллаган. Бухоро амирлигида таълим тизимининг юқори босқичи бўлган мадрасалар шариат, таълим ва бошқарув тизимига кадрлар тайёрлаш, ислом асосларини ўрганиш, адабиёт, мантиқ каби фанларни ўргатувчи маскан сифатида нафақат Ўрта Осиёда, балки мусулмон дунёсида яхши маълум эди. Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган янги усул мактабларида ўқувчиларнинг “усули савтия”, яъни ҳарфларни товуш усулида ўқиш ва ёзиш орқали тезда савод чиқариши, машғулотларни синф-дарс тизимида уюштирилиши, диний билимлар қатори дунёвий билимларга катта эътибор қаратилиши, таътил ва имтиҳон тартибларининг жорий этилганлиги, ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш каби омиллар ўша давр учун катта янгилик эди.

REFERENCES

1. ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 7-варақ.
2. ЎзР МДА, 47-фонд, 1-рўйхат, 333-иш, 6-варақ.



3. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий. Бухоро тарихи. Форс-тожик тилидан А.Расулов таржимаси. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 84.
4. F.Bobojonova. Вухоро madrasalari manaviyat durdorasi. 2021– 364. p.
5. F.Bobojonova БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ.2021 -Б.259.
6. F.Bobojonova. ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ШКОЛ ДЖАДИДОВ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В НАЧАЛЕ XX ВЕКА.2021 -С-52.
7. F.Bobojonova.СТРОИТЕЛЬСТВО, МАТЕРИАЛЬНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ И ОРГАНИЗАЦИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ БУХАРСКОГО МЕДРАСЕ. 2021-С-82
8. F.Bobojonova.XIX asrning oxiri XX asr boshlarida Вухоро amirligida madrasa tizimi. 2021-Б-30.
9. F.Bobojonova. Вухоро amirligida XIX asr oxiri XX asr boshlarida ananaviy boshlsngich maktablar holati.2020.-Б-27
10. F.Bobojonova. фаолияти Вухоро amirligidagi jadid maktablarining faoliyati.2020. -Б-93
11. F. Bobojonova. Вухоро amirligidagi madrasalarning qurulishi, moddiy-xojalik taminoti va faoliyatini tashkil qilish masalalari.2020.-Б-213
12. Lalikhon Mukhamedzhanova, THE EMERGENCE OF THE JADID MOVEMENT IN THE LATE XIX TH - EARLY XX TH CENTURIES AND THEIR SIGNIFICANCE AS A NATIONAL AWAKENING. Look to the past. 2021, Special issue 3, pp.32-46
13. Мухамеджанова Л.А. (2021). РОЛЬ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. Вестник Евразийского национального университета имени Л. Н. Гумилева. Серия: Исторические науки. Философия. Религиоведение, (2 (135)), 123-133.
14. Shohistahon, U., & Nakimali, A. (2019). The History of the Unani Medicine in Central Asia. *International Journal of Recent Technology and Engineering*, 8(3), 4550-4553



CONTENTS | MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ

151. Хусанова, Х. Т. (2022). АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ – ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 969-972. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-969-972>

152. Шарипов, Ж. К. (2022). ҚОРАҚАЛПОҚ МУСИҚА МАДАНИЯТИДА “ОТА МАКОН” КОНЦЕПТИНИНГ ИНЪИКОСИ (ҚОРАҚАЛПОҚ БАСТАКОРЛАРИ ИЖОДИ МИСОЛИДА). *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 973-977. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-973-977>

153. Шарипова, Г. У. (2022). ОСОБАЯ РОЛЬ КИТАЙСКОЙ ОБЩИНЫ В ФОРМИРОВАНИИ ЭТНИЧЕСКОГО ОБЛИКА МАЛАЙЗИИ. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 978-984. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-978-984>

154. Шаякубов, Ш. Ш. (2022). ТЕНДЕНЦИИ, УСКОРЯЮЩИЕ ВНЕДРЕНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 985-991. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-985-991>

155. Шоимов, Қ. Қ. (2022). МАМЛАКАТИМИЗ ИЖТИМОЙ ҲАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 992-996. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-992-996>

156. Эркинов, И. Э. (2022). ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ – ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 997-1003. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-997-1003>

157. Юнусов, Х. С. (2022). ТЬЮТОР-БУ ТАЛАБАЛАР ОРЗУ МАҚСАДЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА АҚЛИЙ КЎМАКЛАШУВЧИ ЛОКОМАТИВДИР. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1004-1007. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1004-1007>

158. Юсувалиева, А. Я. (2022). ЖАҲОН ПСИХОЛОГЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИДА ЕТУКЛИК ДАВРИ ИНҚИРОЗИ. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1008-1013. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1008-1013>

159. Абиров, В. Э. (2022). ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ – МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1014-1018. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1014-1018>

160. Азимов, Ҳ. И. (2022). АМИР ТЕМУРНИНГ ТАРИХИЙ МЕРОСИ – ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1019-1023. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1019-1023>

161. Бобожонова, Ф. Х. (2022). БУХОРО АМИРЛИГИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ МАСАЛАЛАРИ. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1024-1028. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1024-1028>

162. Габриэльян, С. И. (2022). АНГЛО-РУССКОЕ СОПЕРНИЧЕСТВО НА СРЕДНЕМ ВОСТОКЕ В XIX ВЕК: БОРЬБА ЗА АФГАНИСТАН. *Current Issues of Social Sciences and Humanities*, 3(2), 1029-1036. <https://doi.org/10.24412/2181-1385-2022-2-1029-1036>

